

Qabul qilindi: 05.11.2024

Chop etildi: 28.12.2024

UDK: 902.2

СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАРДА ЧАП ҚИРҒОҚ КАТ
ҚАЛЪАНИНГ МУДОҒАА ТИЗИМИ
(XVII-XIX АСРЛАР)

Садуллаев Бахрам Пулатович, Хоразм Маъмун академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими катта илмий
ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

DEFENSIVE SYSTEM OF THE LEFT-BANK KYAT-
KALA IN THE LATE MIDDLE AGES
(XVII-XIX CENTURIES)

Sadullaev Bakhram Pulatovich - Senior Researcher, Social and
Humanitarian Department, Khorezm Mamun Academy, Doctor of
Philosophy on Historical Sciences (PhD)



<https://orcid.org/0000-0001-9053-3385>

e-mail:

bakhram76@gmail.com

ОБОРОНИТЕЛЬНАЯ СИСТЕМА
ЛЕВОБЕРЕЖНОЙ КЯТ КАЛЫ В ЭПОХУ
ПОЗДНЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ (XVII-XIX ВВ)

Садуллаев Бахрам Пулатович, старший научный сотрудник
Социально-гуманитарного отдела Хорезмской академии
Маъмуна, доктор философии по историческим наукам (PhD)

Аннотация: Мазкур мақола Чап қирғоқ Кат қалъанинг XVII-XIX асрлар мудоғаа тизимига оид тадқиқотлар натижаларига бағишланган. Бу тадқиқотлар асосида шаҳарнинг мудоғаа тизими элементлари алоҳида таҳлил қилинган. XVII аср охирида Анушахон томонидан барпо этилган мудоғаа тизими шаҳарнинг беклик маркази сифатида хонлик тарихида катта аҳамият касб этганлиги билан изоҳланган.

Калим сўзлар: Хоразм, Чап қирғоқ Кат қалъа, мудоғаа тизими, дарвоза, пахса девор, ишинаклар, буржлар, хандақ, Анушахон, Д.Чунихин, Г.И.Данилевский, М.Алиханов-Аварский.

Abstract: The article is devoted to the results of the study of the defensive system of left-bank Kyat-Kala of the 17th-19th centuries. Based on these studies, the elements of the defensive system of the city are analyzed in particular. The defensive system built by Anushakhan at the end of the 17th century is explained by the great importance of the city in the history of the khanate as the center of a provincial principality.

Keywords: Khorezm, left-bank Kyat Kala, defensive system, gate, pakhsa wall, loopholes, towers, ditch, Anushakhan, D.Chunikhin, G.I.Danilevsky, M.Alikhanov-Avarsky.

Аннотация: Статья посвящена результатам исследования оборонительной системы Кят калы левобережной XVII-XIX вв. На основе этих исследований особо проанализированы элементы оборонительной системы города. Оборонительная система, построенная Анушаханом в конце XVII века, объясняется большим значением города в истории ханства как центра провинциального княжества.

Ключевые слова: Хорезм, Кят кала левобережная, оборонительная система, ворота, пахсовая стена, бойницы, башни, ров, Анушахан, Д.Чунихин, Г.И.Данилевский, М.Алиханов-Аварский.

КИРИШ. Қадимги шаҳарларнинг вужудга келиши ва шаклланишида унинг таркибий қисми бўлган мудофаа тизими жуда муҳим роль ўйнайди. Ўрта Осиёнинг қадимги давр шаҳарсозлигида кузатиладиган муҳим қонуниятлардан бири қурувчи меъморларнинг шаҳар тузилишига катъий геометрик шакл бериш ва мос равишда тартибли режалаштиришга интилишида кўзга ташланади. Археологик тадқиқотлар Чап қирғоқ Кат қалъа тузилиши жиҳатидан трапеция шаклига эга бўлиш масаласини унинг вужудга келган давридаёқ ҳал қилинганлигини кўрсатади.

Шаҳарнинг энг сўнгги мудофаа тизими Анушахон ҳукмронлиги даврида Шоҳобод ва Ёрмиш каналлари қазилиши билан (1681 й.) қадимий харобалар ўрнида пахсадан янги қалъа барпо этиш жараёнида шаклланади. Бу воқеалар ўнг қирғоқдаги қадимий Кат аҳолиси кўчирилиши билан боғлиқ. Шу тариқа бу жой Янги Кат номини олган. Шаҳар марказида вайрон бўлган қадимги масжид ўрнида янги жомъе масжиди қад кўтарган. Масжиддан шимоли-шарқда ҳоким қароргоҳи жойлашган. XVIII–XIX асрларда Чап қирғоқ Кат қалъа хонлиқнинг энг муҳим йирик шаҳарларидан бирига айланган.

ЎРГАНИЛИШИ ВА МАНБАЛАРИ.

Чап қирғоқ Кат қалъанинг XVII-XIX асрларга тегишли мудофаа тизими асосан, 1987 йилда Д.Чунихин томонидан кенгроқ тадқиқ қилинган. Мудофаа деворининг жануби-шарқий ва жануби-ғарбий бурчакларида, шимолий, шарқий ва ғарбий деворларида тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, энг қадимги мудофаа тизими билан биргаликда шаҳарнинг энг сўнгги даврига оид мудофаа тизими ҳам ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, шаҳарнинг шимолий девори узунлиги 290 м, жанубий – 285 м, шарқий – 270 м ва ғарбий қисми 310 м ни ташкил этди, шаҳарнинг умумий майдони эса 9,5 га. [6, с.63,153-154; 9, с. 13-22; 10, с. 21-27].



1-расм Чап қирғоқ Кат қалъа. XIX аср мудофаа деворининг қолдиғи. Жанубий девор. (Д.Чунихин, 1987 й.)

Шаҳар мудофаа тизимининг сўнгги ўрта асрларга тааллуқли қисми ҳозирги кунда асосан жанубий деворда кузатилади. Шунингдек, жанубий деворнинг шарқий ва ғарбий бурчагидаги қазималарда ҳамда XX асрнинг 60-йиллари ва 80-йилларидаги фотосуратларда ҳам сўнгги ўрта асрларга тегишли маълумотлар қайд қилинади (1-расм) [6,с.153-154,рис.17-20]. Шаҳарнинг мудофаа тизими тўлиқ сақланмаган бўлса-да, у ҳақидаги маълумотлар XVIII – XIX асрлардаги рус манбаларида учрайди [1,с.233-235;4,с.108;5,с.244-245]. Бу манбалардаги маълумотга кўра, шаҳар девори пахсадан тикланган. Шунингдек, шарқий деворда ягона дарвозаси ва унинг яқинида кузатув буржи бўлган. Мудофаа буржлари шаҳарнинг фақат тўрт бурчагида ва дарвоза ён томонларида кузатилади. Шаҳар деворини хандақ ўраб турган. Деворнинг юқори қисмида ўқ отар қуролларга мўлжалланган шинаклар мавжуд бўлиб, тепаси кунгуралар билан яқунланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ. Мудофаа тизими бир қатор муҳим элементлардан ташкил топган бўлиб, мудофаа девори, валганг, шинак, бурж, дарвоза, хандақ кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, мудофаа деворида қўлланилган қурилиш материалларига доир маълумотлар ҳам жуда муҳимдир. Бунда асосан пахса ва хом ғиштлар ишлатилган.

Мудофаа девори. Ҳозирги кунда асосан жанубий деворда XVIII–XIX асрларга тегишли деворнинг пойдевор қолдиқлари сақланиб қолган. Пойдевор пахсадан тикланган бўлиб, асоси майда шох-шаббалардан иборат таглик устига қурилган (2-расм).




2-расм Чап қирғоқ Кат қалъа. XIX аср мудофаа деворининг қолдиғи. Жанубий девор. Ҳозирги кун

Бу даврга оид деворни тадқиқ қилишда 1986 йилда амалга оширилган изланишлар диққатга сазовордир. Ушбу тадқиқотларда шаҳарнинг жанубий девори қолдиқлари фотосуратларга муҳрланган ва чизмаларда уларнинг тавсифи келтирилган [6,с.61-64,фото8-14]. Олинган фотосуратларда жанубий девор марказида деярли тўлиқ ҳолатда 3,5 м баландликкача 1 м қалинликда сақланган, тахминан 11-12 м узунликдаги пахса девор кузатилади (1-расм). Аммо деворда кунгуралар сақланмаган, лекин кейинги даврга хос шинаклар яхши кўриниб турибди [6,с.63,фото12]. Шундай бўлса-да, деворнинг кунгуралари Хива, Ҳазорасп шаҳарларидаги каби бўлганлигига ҳеч шубҳа йўқ. М.Алиханов-Аварский асарида келтирилган суратларда ҳам буни кўриш мумкин (3-расм) [3,с.76]. Шу билан бирга, 1960 йилда олинган фотосуратларда шаҳар деворлари анча кенгроқ худудда вайрона ҳолдаги кўриниши намоён бўлади.

3-расм. Қиёт қалъаси. (Чап қирғоқ Кат қалъа—С.Б.)

XVIII–XIX асрларга оид девор қолдиқлари 70x50x70 см ўлчамдаги жуда сифатсиз пахса блокларнинг тахламида кузатилади. Пахса блок тахлами кесилган қадимий девор устига ўрнатилган бўлиб, сўнгги девор асоси бўлиб хизмат қилган. Пахса девор ва унинг чокларида аниқланган XVII–XVIII асрларга тегишли идиш-товоқ парчалари пахса пойдевор ва унинг устига қурилган деворни ҳам шу давр билан белгилашга асос бўлган. Траншеяда қайд этилган кўп сонли мусулмон қабрларининг қолдиқлари антик давр буржи ва пахса деворларини ҳам бузиб, XVIII–XIX асрларда шаҳар қабристонини бевосита шаҳар деворининг ташқи томонида шаклланганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, девор қолдиқларининг жиддий бузилиши фақатгина антик девор буржида эмас, балки, XVII аср пахса деворларида ҳам XIX асрнинг охиридан кузатилади. Бу даврга келиб мудофаа девори ўз аҳамиятини йўқотгач, маҳаллий аҳоли деворни бузиб уй-жой қурилиши учун фойдалана бошлаган [9,с.9-12].

Дарвоза. Олиб борилган изланишлар давомида (Траншея №1-4) шаҳарнинг сўнгги давридаги дарвозаси тузилиши аниқланмаган, бироқ 1-траншеядаги тадқиқотлар XVII асрда қалъага кириш жойи пандус шаклида бўлганлигини тахмин қилишга имкон беради [9,с.8-9]. Дарвозанинг кўриниши Россия империяси кўшинларининг Хива хонлиги истилосида қатнашган рус харбийси М.Алиханов-Аварскийнинг эсдаликларидаги суратларда намоён бўлади. Ушбу суратда ўрта



асрларнинг анъанавий қиёфасини акс эттирувчи дарвоза кўзга ташланади (3-расм) [3,с.76]. Бундай кўринишдаги дарвоза Хивадаги Ичон қалъа дарвозаларини эслатади.


Мудофаа буржи. XVIII–XIX асрлар мудофаа деворининг бурчак буржига оид маълумотлар ёдгорликнинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий бурчакларидаги девор қолдиқларини ўрганиш жараёнида (Қазӣшма №1) олинган.

Ёдгорликнинг жануби-ғарбий бурчагида, шаҳарнинг сўнги босқичи билан боғлиқ деворнинг унча катта бўлмаган монолитли айлана шаклдаги буржнинг қолдиқлари кузатилади. Олиб борилган дастлабки ишлар жараёнида охириги босқичнинг девори тузилиши жиҳатидан турлича ва камида икки қурилиш даври борлиги аниқланди. Дастлаб, қадимги деворларнинг нураган кўтармалари текис майдон қилиб нивелирланган, унинг устига баландлиги 1 м ва нишаблиги 40° бурчак остида бўлган қаттиқ платформа қурилган. Ушбу платформанинг тепасида, 20 см қалинликдаги юпка тўюн қатламда қальанинг сўнги босқичи девори қурилган. Ушбу девор асосан пахсадан қурилган ва фақат баъзи жойларида тўюнли қоришмада хом ғиштлардан (45x30x8-10см) фойдаланилган. Деворнинг сақланиб қолган баландлиги тахминан 3,5м ва юқори қисмида қалинлиги 1м ни ташкил этган. Деворнинг ташқи юзаси сувалмаган ва 75° нишабликка эга. Иккинчи қурилиш даврида, бу деворга тақаб майдаланган қуруқ майда шохчалар билан аралашган тўюнли 50см ли пойдевор устига футляр қурилган, у асосан хом ғиштан қилинган (45x30x8-10 см) ва

кўпчилигини антик стандартдаги ғишт парчалари ташкил этади. Ғиштларнинг номунтазам тартибда терилганлиги, унинг қурилиши шошилиш равишда амалга оширилганлигини кўрсатади. Футлярнинг сақланиб қолган баландлиги 2,7 м, юқори қисмида қалинлиги 0,45 м ва пастки қисмида эса 1 м. Ташқи томони силлиқланган ва 60° бурчак остида нишабликда тушади. Афтидан, футлярни қуриш давомида жануби-ғарбдаги бурчак буржи ҳам барпо этилади ва у футлярга бириктириб қурилган. Жануби-ғарбий буржнинг сақланиб қолган қисмига кўра, у айлана шаклга эга бўлган (диаметри пойдевор қисмида тахминан 6 м бўлган) ва деворларнинг жануби-ғарбий бурчагига туташган. Бурж монолит шаклда бўлиб, қадимги деворларнинг нураган юмшоқ кумлоқ қатлами устига қурилган, бунинг натижасида бурж деворининг пойдевори тепаликнинг контурини такрорлаб, 30° қиялик остида ётади. Бу ердаги деворларнинг қурилиши учун пахса блоклари, хом ғишт бўлаклари ва сомон билан тўюннинг аралашмасидан фойдаланилган.

Жануби-шарқий бурчакдаги қазӣшмалардан шу нарса маълум бўладики, бу ерда шаҳарнинг сўнги босқичида XVII аср қалъа деворини қуриш учун XI – XII асрлардаги қатламни кесиш билан (аниқроғи, тозалаш билан) антик буржнинг (ички томонидан) деворлари қолдиқлари устида пахса пойдеворлар қурилган. Деворнинг очилган қисмида қалинлиги 1,0 м гача, баландлиги 1,5 м гачани ташкил этади. Пахса пойдевор анча зич, қаттиқ, аммо пахса хом ашёсининг ҳар хиллиги туфайли кучли ёриқлар мавжуд. Шубҳасиз, бу пойдевор деворнинг кўп жойларида излари қайд этилган қальанинг сўнги таъмирланишларидан бирида пайдо бўлган [10,с.29-30].

Демак, сўнги босқичга доир мудофаа деворининг ҳозиргача тўлиқ сақланмаганлиги унинг ўлчамларини аниқ ифодалаш учун етарли маълумотларни бермайди. Аммо ёзма манбалар, эски фотосуратлар ҳамда бошқа ёдгорликлар билан қиёслаш орқали амалга оширилган изланишлар деворнинг қалинлиги ва баландлигини тахмин қилишга ёрдам беради. Платформа вазифасини бажарган қадимий девор пойдеворидан ҳисобланганда умумий баландлиги тахминан 15-16 м га етган (4-расм).



4-расм. Чап қирғоқ Кат қалъа. XIX аср дарвозаси ва мудофаа деворининг реконструкция варианты. (Д.Чунихин. 1988 йил)

Шинак. Сўнги давр деворининг шинаклари 1986 йилдаги тадқиқотлар давомида жанубий деворда қайд қилинган. Шинаклар ўқ отар қуролларга мўлжалланган учбурчаксимон туйнуқлардан иборат бўлиб, деярли бир чизик бўйлаб жойлашган [6,с.63, фото 12]. Бундай шинаклар ҳозирги кунда Хива (Ичон қалъа) ва Ҳазораспнинг сўнги давр деворларида сақланиб қолган [2,с.188-189,рис.15,рис.16;7,68-б].

Хандақ. Чап қирғоқ Кат қалъада сақланиб қолган хандақ айни пайтда девордан 7-15 м масофада жойлашган. У асосан шарқий томонда анча кенг ҳолатда 50-140 м гача етади. Мудофаа деворининг бошқа томонларидаги хандақлар кейинги 50-60 йил давомида торайиб энсиз захкашларни ҳосил қилган. Бундай кенг хандақлар Хоразмнинг аксарият ёдгорликларида хонлик даврида ҳам кузатилган, баъзиларида ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган (Ҳазорасп, Хива ва б.) [8,12-б].

ХУЛОСА. Шундай қилиб, Чап қирғоқ Кат қалъанинг XVII–XIX асрларга алоқадор мудофаа иншоотлари асосан, шаҳар ҳаётининг сўнги ўрта асрларга тегишли қурилиш босқичларини кузатишга имкон беради. Бу ерда Хоразм ва бутун Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ шаҳарсозлиги анъаналарига ҳос услублар мужассамлашади ва шаҳарнинг XVII–XIX асрлардаги тараққиёт динамикасини кузатишга имкон беради.

Анушахон томонидан барпо этилган мудофаа деворлари тўртинчи қурилиш даврини акс эттиради. Вайрона ҳолдаги қадимги деворларнинг юзаси қисман чопилган ва нивелирланган. Текисланган юзага шох-шаббалар ётқизиблиб, унинг устидан қалинлиги 1,5–2 м пахса пойдевор барпо этилган (2-расм). Унинг устидан қад кўтарган янги пахса девор асоси 1 м, баландлиги эса 3,5–4 м га етган. Мудофаа деворининг бурчак буржлари асосан замбараклардан тўп отишга мўлжалланган. Девор тепасидаги кунгуралар қалинлигида ўқотар қуролларга мўлжалланган учбурчаксимон шинаклар бир чизик бўйлаб жойлашган. Деворнинг умумий баландлиги 15-16 м га етган. Сақланиб қолган хандақ асосий мудофаа унсури

сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шарқий девор ўртасидаги дарвозанинг ён томонларида буржлари бўлган. Дарвозадан шимолда ёғочдан қурилган баланд кузатув минораси жойлашган [1,с.233-235].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алиханов-Аварский М. Поход в Хиву (кавказских отрядов) 1873 г. – Степь и оазис. – СПб.: Паровая скоропечатная Я.И.Либермана, 1899. – 314 с.
2. Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958–1960 гг. // МХЭ, Вып.6. – М.: Изд-во АН СССР. 1963. – С. 157-200.
3. Всемирная иллюстрация. – Т. XI. № 265. – СПб., 1874. – С. 69-84.
4. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. – ЗРГО, кн.5.– СПб.: В типографии министерства внутренних дел, 1851. – С. 62-139.
5. Кун А.П. Культура оазиса низовья Амударьи. – Материалы для статистики Туркестанского края. – Вып.4. – СПб.: Типография и хромофотография А.Траншеля, 1876. – С. 223-259.
6. Салимбоев А., Фалькова Г.В., Чунихин Д. Городище Кят в Шаватском районе Хорезмской области. Книга I. Исследования перед началом реставрационных работ с предложениями по благоустройству и ЭП. Отчет УзНИПИ. Х-5932/С-16. Архив Агентства культурного наследия. Ташкент, 1987. – 155 с.: с илл.
7. Хива – минг гумбаз шаҳри. Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев. – Т.: Шарқ, 1997. – 135 б.
8. Худойберганов К. Хива – дунёдаги энг кўхна қалъа. – Т., 2012. – 347 б.
9. Чунихин Д. Отчёт по археологическим исследованиям городища Кят-кала в Шаватском районе Хорезмской области в 1987 г. (работы по первому этапу). – Т., 1988. Архив института археологии. – Самарканд. Шифр – Ф/1, О/1, Д/53. – 46 стр. с илл.
10. Чунихин Д. Отчёт по археологическим исследованиям городища Кят-кала в Шаватском районе Хорезмской области в 1987 г. (продолжение). – Т., 1988. Архив института археологии. – Самарканд. Шифр – Ф/1, О/1, Д/54. – 40 стр. с илл.